

Ю 25932
091

И.А. КАРИМОВ асарлари асосида тайёрланган
ўқув қўлланмалар кутубхонаси

Ю 25932
091

Ў. ЮСУПОВ

ҚЎШНИНГ
ТИНЧ – СЕН ТИНЧ

25932

10 0 | 2000-367891

Юсупов, У.

Кривичный кодекс

СФР МХМЗ.

2000-367891

1999 102С

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

Ў. ЮСУПОВ

ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1999

66.4(5У)

Ю 91

Маъсул муҳаррир: ЎзФА мухбир аъзоси,
фалсафа фанлари доктори, профессор **Ж.ТУЛЕНОВ**

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети Ил-
мий Кенгашининг қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: Г. КАРИМОВА

Юсупов Ўткир.

Ю 91 Қўшнинг тинч — сен тинч. — Т.: Ўзбекистон,
1999. — 23 б. — (И. А. Каримов асарлари асоси-
да тайёрланган ўқув қўлланмалар кутубхонаси).

Сарл. олдиди: Ўзбекистон Республикаси олий
ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий но-
мидаги Тошкент давлат педагогика университе-
ти фалсафа кафедраси.

ISBN 5-640-02650-2

Рисолада XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид кўрса-
тиб турган муаммолардан бири — минтақавий можароларни
ҳал этиш билан жамиятимизда тинчлик, барқарорликни сақ-
лаб қолишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Рисола олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртарининг та-
лабалари, ёш олимлар, аспирантлар, шунингдек мазкур ма-
сала билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

66.4(5У)

Ю 25932
091
№ 310-99

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
давлат кутубхонаси.

0301050800-70
Ю 351(04)99 99

КИРИШ

Президентимиз И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли асарида “жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади,” деб кўрсатилган¹.

Жамиятимизда барқарорлик, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувликни сақлаб қолишда минтақамизда содир бўлаётган турли хил можароларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш, уларни келтириб чиқараётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Барқарорликни сақлаб қолиш нафақат фуқароларнинг тинч-тотув яшашининг, шунингдек, жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий янгиланиш ва юксалишининг асосий гаровидир. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “бугунги кундаги асосий вазифамиз — мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўсини ошириш, хонадонимиздаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва тотувликка нисбатан бўлаётган ҳар турли таҳдид ва хавф-хатарларга нисбатан огоҳ ва ҳушёр туришдир”.²

Рисолада минтақавий можароларнинг юзага келиш сабаблари, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида баён этилади. Рисола олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларининг талабалари, ёш олимлар, аспирантлар, мазкур масалалар билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 19-бет.

² “Халқ сўзи”, 1998 йил, 28 июль.

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Халқимиз “Кўшнинг тинч — сен тинч” деган ҳикматли гапга доимо амал қилиб келади. “Тинчлик” сўзи бошқа барча халқлар сингари ўзбек халқи учун ҳам жуда қадрли ҳисобланади. Ўзбек халқи кўшнилари билан доимо аҳил ва тотув яшашга ҳаракат қилиб келган.

Тинч-тотув яшаш, аҳил бўлиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби яхши фазилатлар доимо одамларни бир-бирларига яқинлаштириши, улар ўртасидаги алоқаларни янада яхшилаши қадимги манбаларда, жумладан Ўрта Осиёда яшаб ўтган алломалар ва буюк тарихий шахсларнинг бизга қолдирган маънавий меросларида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги манбаларидан бири бўлган муқаддас “Авесто” китобида ҳам жамиятда одамларнинг тенг яшаши, бир-бирларига яхши муносабатда бўлиши, тинч умр кечириши жамиятнинг янада тараққий этишига олиб келиши, шафқатсизлик, зўравонлик, тухмат, ўзаро низолар эса, жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгач, у бу ердаги ўзаро низоларга барҳам беришга катта ҳисса қўшди.

Ислом дини қон тўкилиши, ўзаро низолар, босқинчиликлар, бир-бирларининг ерларига кўз олайтириш каби ёмон ҳаракатларни қоралайди.

Ўрта Осиёнинг маънавий ва маданий ҳаётида катта аҳамият касб этган тасаввуф таълимотида ҳам ўзаро тинчлик, аҳиллик, дўстлик ва биродарлик каби яхши хислатлар қадрланади.

Тасаввуф Куръон ва Ҳадислар ҳикматидан озикланган ҳолда ҳукмрон табақаларнинг талончилик, мансаб-парастлик каби ҳаракатларини қоралайди.

Тасаввуф таълимоти одамларни аҳилликка, тотувликка, ўзаро биродарликка, ватанпарварликка даъват этувчи жавонмардлик билан ҳам боғланиб кетган.

Ўрта Осиё тарихида катта из қолдирган машҳур алломалар ҳам турли халқларнинг тинч-тотув яшашлари, ўзаро яхши алоқалар ўрнатишларига катта аҳамият беришиб, бундай ҳолатлар жамият тараққиётини янада тезлаштиради деб тушунганлар.

Шарқ мамлакатларида “муаллимус-соний” деб тан олинган Ўрта Осиёлик машҳур аллома Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” номли рисо-ласида ўзаро низолар ва урушларни бартараф этиш ҳар бир инсоннинг чин хоҳиши бўлиши керак, бундай хоҳишни доимо мустаҳкамлаш зарур, чунки бу эзгу-лик, яхшилиқдир¹ деб таъкидлайди.

Абу Наср Форобий ўз китобида тинч-тотув яшашга интилиш, низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш учун ҳаракат қилиш инсоннинг энг яхши фазилатларидан эканлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Буюк мутафаккир ва адиб Алишер Навоий ҳам ўз даврининг машҳур кишиси, моҳир сиёсатчи сифатида халқ ўртасида катта обрўга эга бўлган.

Алишер Навоий саройда вазир бўлиб ишлаб юрганида ўз давлатининг қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатишига катта ҳисса қўшган. У доно инсон сифатида урушларни ва ўзаро адоватларни қоралаган.

Алишер Навоий Астробод шаҳрида ҳокимлик қилган даврларида қисқа муддат ичида бу вилоятни энг обод ва тинч вилоятга айлантирган, у юргизган инсонпарварлик, халқпарварлик сиёсати Астрободнинг қўшни вилоятлар ва давлатлар билан алоқасини янада яхшилашга олиб келади.

XIII асрда мўғуллар истилоси натижасида сиёсий жиҳатдан таназзулга юз тутган туркий давлатчиликни

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993, 18-бет.

тиклаш ва ягона кучли салтанатни юзага келтиришда Амир Темурнинг хизмати беқиёс бўлди.

Амир Темур чиқарган қатъий қонун ва қоидалар салтанат ичида тинч-тотувликнинг юзага келиши учун хизмат қилди.

Бу эса мамлакатда иқтисодий, маънавий тараққиёт учун замин яратди.

Амир Темур ўзининг “Тузуқлар”ида давлатни 12 та тамойилга биноан бошқарганлигини кўрсатиб ўтади.

Мазкур тамойиллардан ўнинчисида турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифаларидан ўз паноҳига кирганларга ҳурмат билан қарагани баён этилади.

Ўн биринчи тамойилга кўра, фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайнилар, кўни-кўшнилар, барча яхши ниятли одамлар давлат тепасига чиққанда ҳам унутилмаган.

Ўн иккинчи тамойилда — кимлигидан қатъи назар, яхши ниятли, тинчлик истовчи барча кишиларга ҳамма жойда ҳам ҳурмат билдирилгани айтилади.

Темур “Тузуқлар”ида кўрсатилган бундай тамойиллар ҳозирги кунда ҳам, шубҳасиз, аҳамиятини йўқотган эмас.

Халқлар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлаш, ўзаро низоларга йўл қўймаслик Амир Темур ва Темурийлар давлатидаги асосий ғоялардан саналган.

Туркистон халқлари то Россия томонидан босиб олингунга қадар доимо тинч-тотув ва аҳил бўлиб яшаб келганлар.

Мустамлакачилик тузуми бу минтақадаги бир неча тилда гаплашувчи, келиб чиқиши бир хил бўлган, бир хил динга эътиқод қилувчи халқлар ўртасига сунъий тўсиқ қўйди. Мустамлакачилар ўлкадаги асрлар давомида бир-бирларини доимо қўллаб-қувватлаб келган халқлар ўртасига нифоқ солиб келди.

XX асрнинг охириларида келиб дунё харитасида катта сиёсий ўзгаришлар содир бўлди: тарихда СССР деб аталган “қизил империя” барҳам топди. Аср бошида Туркистон сунъий равишда бўлиб юборилиб, мустамлакага айлантирилган бўлса, аср охирида шунчалик табиий равишда бу мамлакатлар ўз мустақилли-

гига эришди ва миллий тараққиёт йўлидан бориб, тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик асосидаги алоқаларни мустаҳкамлаш-моқда.

Дунёга ортиқча шов-шувлар, дўқ-пўписалар билан ўз қудратини кўрсатиб келган салтанат ич-ичидан зил кетиб, чок-чокидан сўкилиб кетди. Унинг ҳудудига кирган республикалар мустақил давлат мақомини олди. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг тарихан жуда қисқа даврида жаҳон сиёсатига салмоқли таъсирини ўтказа бошлади. Жаҳон сиёсати йўналишларида унинг ўзига хос тамойиллари, ёндошиш усули, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини йўналтириб туришдаги услуги мавжуд.

Ўзбекистон турли мустақил давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан манфаатдорлигини назарда тутиб, янгича шароитларда, янгича шакл ва мазмундаги ҳамкорликни вужудга келтириш ташаббуси билан чиқди.

МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР, ИЧКИ ВА ТАШҚИ САБАБЛАРИ, УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон бугунги кунда дунёда тинчликни сақлаш, урушнинг олдини олиш, турли минтақаларда можароларнинг сиёсий йўл билан ҳал этилишига ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон раҳбари 1993 йил 28 сентябрь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган маърузасида жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, уруш ва тинчлик муаммоларини бартараф этиш, қуролланиш пойгасини тугатиш масалалари ҳақида гапирган эди.

Халқаро ташкилотларнинг мақомлари, уларнинг нуфузи ва жаҳон муаммоларини ҳал этишдаги роли ҳақида сўзлар экан, И. А. Каримов, жумладан, “Кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнғин ҳиди эндигина чиқаётган пайтида эмас, балки батамом ловуллаб кет-

ганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишини олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бепарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар нуқтаи назарига ўта бориши керак”¹, — деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёдаги сиёсий-маънавий вазиятни ғоят чуқур, ҳар тарафлама асосли таҳлил этар экан, мазкур минтақанинг жаҳон тараққиётидаги тутган ўрни, бир қатор мамлакатлар ижтимоий-сиёсий муҳитига таъсири ва халқаро ташкилотларнинг вазибалари ҳақида принципиал фикрлар юритди.

Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган ташқи сиёсатда минтақавий хавфсизлик масаласи алоҳида ажралиб туради.

Президентимизнинг 1995 йил 24 октябрь куни БМТнинг 50 йиллик юбилеи муносабати билан сўзлаган нутқида дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши тўғрисида гапириб ўтдилар.

Айни вақтда, минтақамизда хавфсизликни сақлаш, вазиятни барқарорлаштириш ва уни сақлаб қолиш энг долзарб муаммо сифатида кун тартибига чиқди.

Президент Ислон Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида XX асрнинг охирларига келиб дунёнинг турли минтақаларида можароларнинг кучайиб бораётганлиги ва бундай можаролар бутун дунёда тинчликка хавф солаётганлиги, Марказий Осиё минтақаси ҳам шундай минтақага айланиб қолганлиги тўғрисида фикр билдираркан, шундай дейди: “СССР парчаланиб кетганидан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронтга яқин давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида — Аф-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси. Т., “Ўзбекистон”, 1993, 23-бет.

ғонистон ва Тожикистонда сўнгги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди”¹.

Ўзбекистонга яқин бўлган давлатлардаги бундай аҳвол, Ўзбекистон халқини ташвишга солиши табиий. Бу давлатлардаги вазият тезроқ бартараф этилмаса, у қўшни давлатларга, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам хавф солиши мумкин.

Марказий Осиёда вазият чигаллашишининг, мамлакатимизга солинаётган таҳдиднинг ташқи ва ички сабаблари бордир.

Ўзбекистон Президенти “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли китобида йирик халқаро анжуманларда қилган маърузаларида минтақамиздаги тинчликка бўлган энг катта хавф Афғонистонда узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган ўзаро низолар, чўзилиб бораётган уруш деб кўрсатади. Бу уруш натижасида Ўзбекистон фронтга яқин бўлган мамлакатга айланиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кунидан бошлаб Афғонистондаги уруш ҳаракатларини тугатишни, унга қурол-яроғ сотмасликни тақлиф этиб келмоқда.

Президентимизнинг 1995 йил 24 октябрь куни БМТнинг 50 йиллик юбилеи муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқи давлатимиз ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутади.

Юртбошимиз жаҳон жамоатчилигининг диққатини Афғонистон фожиасига қаратиб, бу юртда уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоғи лозим деб кўрсатиб, урушни тўхтатишнинг янги хил йўналишларини илгари сурди.

Ўзбекистонга яқин бўлган айрим давлатларнинг ядро қуролига эга бўлишга ҳаракат қилишлари, қурол-

¹ И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 429-бет.

ланиш пойгасининг кучайиши ҳам Марказий Осиё минтақасидаги тинчликка хавф солмоқда.

1998 йилнинг май ойида Ҳиндистон ва Покистон давлатлари ўзларининг ядро қуроллари синаб кўрдилар, 1999 йилнинг апрель ойида эса узоқ масофага учадиган ракеталарни синовдан ўтказдилар.

Бу икки давлат ўртасида узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган можароларни инobatга олсак, бундай қуролланиш пойгаси бутун Марказий Осиё учун хавфли эканлиги англашилади.

Бу икки кўшни давлатнинг кимўзарга ўйнаётган қуролланиш пойгасини бутун дунё сингари Ўзбекистон ҳам қаттиқ қоралайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 1997 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд” халқаро конференцияси бўлиб ўтган эди.

Мазкур конференциядан кейин — ўша йилнинг 9 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 52-сессияси “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш” ҳақида Резолюция қабул қилди. Бу шубҳасиз, мамлакатимиз раҳбарининг фикрига жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида эътибори ва кўтарилган муаммонинг ҳаётий зарурат эканлигидан далолатдир.

Мамлакатимиздаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик — давлатимиз ва халқимиз хавфсизлигининг бош омили эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатга айланди.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга интилар экан, бу мақсадга Афғонистон ва Тожикистонда барқарор вазиятни вужудга келтирмасдан туриб эришиб бўлмаслигини яхши англаб турибди.

Тожикистон масаласида мамлакатимизнинг тутган позицияси барчага маълум.

Мамлакатимиз раҳбари худди шу масалада бир қатор таклифларни илгари сурдилар. Тожикистондаги вазиятни яхшилашга ҳар бир давлат ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Ўзбекистон ҳукумати Тожикистондаги уруш ҳаракатларини тўхтатишга, урушдан зарар кўрган, азият чеккан кишиларга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда.

Давлатимиз Марказий Осиёда тинчликни сақлашга, урушларга барҳам беришга ҳаракат қилаётганлигини ҳаммамиз сезиб турибмиз.

Аммо бу ерда вазиятнинг янада ёмонлашишидан, урушларнинг чўзилишидан манфаатдор, Ўзбекистонни ҳам шу можароларга аралаштириб қўйиб, унинг ҳудудида низоларни юзага келтиришга ҳаракат қилаётган ташқи ва ички кучлар мавжуддир. Мана етти йилдан ортиқ вақтдан бери Тожикистоннинг жафокаш халқи ҳокимият учун курашдан, қуроли тўқнашувлардан азият чекиб келмоқда. Тожикистондаги низоларнинг кучайиб кетишининг ички сабабларига қуйидагилар киради: биринчидан, ҳокимият учун минтақавий ва уруғ-аймоғчилик кураши кетмоқда ва у қуроли тўқнашувларга айланиб бормоқда; иккинчидан, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва уларни олиб ўтиш ниҳоятда катта миқёс касб этипти. Ҳозирги кунда Афғонистондан олиб келиниб, бу ерда тўпланиб қолган катта миқдордаги наркотик моддалар мавжуддир. Айни вақтда, наркотик моддалар билан савдо-сотиққа ҳарбий-маъмурий тузилмалар ҳам аралашиб қолмоқда. Наркотик моддаларни Россия ва Ғарбий Европа мамлакатларига олиб ўтишда Ўзбекистон ҳудудидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар йили Ўзбекистон чегарасида катта миқдорда наркотик моддалар қўлга туширилмоқда ва йўқ қилинмоқда.

Тожикистон халқининг азобу уқубати эвазига ҳокимиятни эгаллашга, наркотик моддаларни олиб ўтишни енгиллаштиришга орзуманд бўлган кишилар бу ердаги воқеалар ривожини миллатлараро ва давлатларо тўқнашувга айлантириб юборишни жуда-жуда исташапти.

Ўзбекистон Президенти 1998 йил 30 ноябрь куни Тожикистон, жумладан Ленинобод вилоятидаги воқеалар хусусида баёнот бериб, бундай кучларнинг асл мақсадлари нима эканлигини аниқ очиб бердилар.

Тожикистондаги воқеаларда Ўзбекистоннинг қўли бор деб, бу минтақадаги низоларга Ўзбекистон сабабчи деган ғаразли мақсадларни кўзлаган айрим давлатлар, авваламбор, Россиянинг баъзи бир махсус хизмат идоралари бу можароларнинг авж олишига ёрдам бермоқда¹.

Тожикистондаги вазият ёмонлашувининг ташқи сабаби айрим чет эл давлатларининг бу давлатнинг ички ишларига аралашувидир.

Россия диний экстремизм, фундаментализмни кучайтириб, жанубий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш баҳонасида Ўрта Осиёда мустақамланиб олмоқчи. Россия ҳарбийлари Тожикистон ҳукуматини ташқи кучлар тазйиқи билан кўрқитиб, бу ерда ўз ҳарбий базасини очишга кўндирди.

Ҳозир кўпгина жойларда ҳарбий базалар қисқартирилаётган бир даврда, можаролар давом этаётган минтақада ҳарбий базанинг яратилиши бу ердаги вазиятни янада чигаллаштириб юборади.

Ўзбекистон Президенти 1999 йил апрель ойида Ашгабат шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари раҳбарлари билан бўлган учрашувда бундай ҳарбий база минтақамиз учун хавfli эканлигини алоҳида уқтириб ўтганди.

Ўзбекистон Президентининг Тожикистондаги воқеалар ҳақидаги Баёнотида бу ердаги можароларни ҳал этишнинг энг самарали йўллари илгари сурилди.

Минтақамиздаги можаролар Марказий Осиё давлатлари томонидан АҚШ ва Россия иштирокида бар-тараф этилиши керак.

Тарихий тақдири ва маънавий аънаналари бир-бирига яқин бўлган, битта динга эътиқод қилувчи бу икки халқ, икки хил тилда гаплашса ҳам, аслида битта халқдир. Шунинг учун тожик халқининг бошига тушган ташвиш бизнинг ҳам ташвишимиздир.

Шу йиллар давомида тожик халқига энг катта моддий ва маънавий ёрдамни берган халқ ўзбек халқидир.

¹ "Халқ сўзи" газетаси, 1998 йил, 1 декабрь.

Ўзбекистон халқи ўзига қўшни давлатларда тинчлик ҳукм суришини, бу ерларда ҳам иқтисодий юксалиш бўлишини хоҳлайди.

Ўзбекистон Президенти “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли китобида “Ўзбекистон республикамиз билан чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади”, деб кўрсатиб ўтди¹.

Ўзбекистон раҳбари ҳар қандай можароларнинг олдини олишда ягона йўл — донишмандлик, ақл-идрок, масалаларга тийраклик билан қараш, турли қарама-қарши гуруҳлар ва доираларнинг бир стол атрофида тўпланиб, ҳамжиҳатликда фикрлашиб олиш ҳамда энг тўғри, энг оқилона ва адолатли мулоҳазаларга мард бўлиб ён бериш зарурлигини уқтириб келмоқдалар.

Бу жаҳон тараққиётида муҳим босқич бўладиган ва юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг сифат ўзгаришига олиб келадиган асосдир.

Чунки узоқ йиллар мобайнида шаклланган давлатлараро худбинлик кайфиятлари, зўравонлик ва тазйиққа асосланган ҳукмронлик, дўқ-пўписа йўли билан айрим мамлакатлар равнақиға тўсқинлик қилиш руҳияти ҳамон мавжуд. Тамойилға айланган бундай нуқсонларға барҳам бериш, музокараларда фақат умумжаҳон манфаатларига таяниш фазилатларини кучайтирмай туриб бир нарсаға зришиб бўлмайди.

Ўзбекистон раҳбари бизға қўшни бўлган давлатлардаги низоларни бартараф этиш ва унинг кучайиб атрофдаги давлатларға ёйилишини олдини олишнинг ўзига хос йўлларини ўртаға ташламоқда, уларға қуйидагиларни киритса бўлади:

— низоларни бартараф қилишнинг босқичма-босқичлиги;

¹ И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 439-бет.

— барча манфаатдор томонларнинг музокараларда иштирок этиши;

— томонларнинг бир-бирларига ён бериш ва муро-са йўли билан бир-бири томон яқинлашуви;

— бу жараёнларда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаол иштирок этиши;

— ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақла-ниши;

— қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтка-зиш ва аралашувга йўл қўйилмаслиги;

— маҳаллий можаролар зоналарига қурол-яроғ ет-казиб беришни тақиқлаб қўйиш.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон раҳбарияти томо-нидан жаҳон ҳамжамиятига ҳавола этилаётган бу та-мойиллар хавфсиз дунёга интилишнинг энг тўғри йўли-дир. Айти пайтда, дунё тақдирига бефарқ қарайди-ган, инсоният ташвишидан қалби жароҳатланмаган инсонни топиш қийин.

Минтақамиздаги вазиятнинг ёмонлашиши, воқеа-ларнинг кескинлашиб, янада каттароқ доирага ёйи-лишининг сабабларидан бири исломнинг сиёсатга тобора кириб келаётганлигидир.

Ўзбекистон Президенти ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шар-тлари ва тараққиёт кафолатлари” номли китобида айрим сиёсий гуруҳлар ҳокимиятни қўлга киритиш йўлида биз учун муқаддас бўлган ислом динидан ҳам фойдаланаётганлиги тўғрисида шундай дейди: “Сўнги йилларда воқеалар фожиали тус олганлигининг яна бир сабаби шуьдаки, афғон можароларига, маълум этник низолардан ташқари, яна диний тус ҳам берил-ди. Исломнинг кескин сиёсийлашув жараёни содир бўлмоқда. У ўта радикал тус олди — ҳокимият тепаси-га чиқишга даъвогарлик қилиш ва барча диндошлар-ни мададга чақирган ҳолда бунга қуролли йўл билан эришишга очикдан-очик уриниш юз бермоқда”¹.

¹ И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 434-435-бетлар.

Ислом дини минтақамизда бошқа халқлар сингари ўзбек халқи учун ҳам жуда қадрлидир, у доимо халқимизнинг ҳаётида катта аҳамият касб этиб келган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг бошқа соҳалар сингари ислом динига ҳам катта эътибор берила бошланди. Исломий қадриятларимизни тиклашга барча инсонларнинг ўз ҳиссаларини қўшишлари учун имкониятлар очиб берилди.

Ислом тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик динидир. Ер юзида тинчликни сақлаш, ҳаётнинг давом этишини таъминлаш инсоният олдидаги олий даражадаги муҳим вазифадир.

Инсон зиммасидаги энг олий мажбуриятини адо этмоғи учун унга албатта тинч ва осуда шароит зарур. Ислом дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош ғояси ва муҳим шиорига айлантирган.

“Ислом” сўзининг ўзи ҳам араб тилидаги “салам” калимасидан олинган бўлиб, “тинчлик” деган маънони англатади. Шунингдек, “тинчлик” тушунчаси муқаддас Куръони Каримнинг бош мавзуларидан биридир.

Қўшни бўлган давлатларда фундаменталистик ва экстремистик кучларнинг бош кўтариши ва ҳокимият тепасига келиши бизнинг юртимизга ҳам хавф солмоқда. Экстремистик кайфиятдаги кучлар ва фундаменталистлар республикамизда динга катта эътибор берилаётганлигидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сўнги йилларда бизнинг диёримизда ҳам исломнинг асл моҳиятига зид бўлган ақидаларни даъват қилувчи оқимлар пайдо бўлиб қолди, уларнинг фаолияти натижасида намозхонлар орасида ихтилофлар келиб чиқди, жамоатчилик ўртасида турли игво-фитна тарқалди, оила аъзолари ичида келишмовчиликлар вужудга келди.

Улар ўзларининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш учун турли йўللар билан соддадил кишиларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Юртимизга экстремистик руҳдаги адабиётлар кириб келмоқда. Диёримизда миссионерлик ҳаракати авж олиб, халқимиз орасида динлараро ва миллатлараро низолар-

ни келтириб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Миссионерлик ҳаракати ҳам экстремизм сингари хавфлидир. Буларнинг ҳаракати натижасида бир миллатнинг ўзи бир-бирига қарши бўлиб қолиши мумкин.

Ливанда давом этган 17 йиллик урушнинг сабаби ҳам бир халқнинг икки динга эътиқод қилувчи гуруҳларга ажралиб қолишидир.

Бизга қўшни бўлган Қирғизистон Республикасида миссионерлик ҳаракати натижасида қирғиз миллатига мансуб айрим ёшлар бошқа диний оқимлар таъсирига тушиб қолмоқдалар.

Биз билан чегарадош бўлган Афғонистонда ислом фундаментализмининг авж олиши, Қирғизистонда миссионерлик ҳаракатининг кучайиши динлараро зиддиятларнинг юзага келиб қолишига сабабчи бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида ҳам сўнгги йилларда миссионерлар пайдо бўлиб қолди, улар маҳаллий миллат ёшлари ўртасида ташвиқот ишларини кучайтиришга уринмоқдалар, бунинг зарари ҳозир билинмаса ҳам, кейинчалик катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда бизнинг тинч ҳаётимизга таҳдид солаётган, олдимизга қўйган олий мақсадларимизга эришимизга тўсиқ бўлаётган айрим гуруҳлар очиқданочиқ ўзини намоён қилмоқда.

Диёримизда дин ниқоби остидаги экстремистлар, ақидапарастлар мавжуд конституциявий тузумга қарши бориб, ҳокимиятни эгаллаш, халқни кўрқувга солиб, ҳукуматга ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан элимизнинг тинчлигини бузишга уриндилар.

1999 йилнинг 16 феввалида халқимиз учун кутилмаган, бутун дунёдаги тинчликсевар кишиларни ҳайратга солган воқеалар бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган бу воқеаларнинг ташкилотчилари, ташқаридан туриб, ёш, адашиб шу йўлга кириб қолган кишиларнинг қўли билан мудҳиш жиноятни амалга оширдилар.

Бу ҳаракатни очикдан-очик террористик ҳаракат деб аташ мумкин. Бу ҳаракатнинг асосий мақсади сиёсий хусусиятга эга.

Содир бўлган бу жиноят олдиндан пухта тайёрланган, сиёсий мақсадларни кўзлаган террористик ҳаракатдир.

Минтақамиздаги можаролар тезроқ бартараф этилмаса, бу ердаги барча давлатларда бундай террористик ҳаракатлар содир бўлиши мумкин эканлигидан Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида огоҳ қилиб ўтди.

Ушбу асарда фанатизм, экстремизм, терроризм каби иллатларга таъриф берилиб, уларнинг келиб чиқишига ва оқибатларига катта эътибор қаратилган.

Афғонистонда фундаменталистларнинг ҳокимият тепасига келиши Ўрта Осиёдаги қатор давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам фанатизмнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Фанатизм ўтакетган мутаассиблик бўлиб, бу тоифадаги кимсалар ўз ғояларининг ғайрининсоний, ғайриҳаётий бўлишига қарамасдан, уларга муккасидан берилганлиги, қаттиқ ишониши билан ажралиб туради. Фанатизмга берилган бундай кимсалар аста-секин ўзида зўравонликка асосланган ҳаракатга мойилликни юзага келтиришади, бу эса экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Экстремистлар ўз мақсадлари йўлида террористик ҳаракатлардан ҳам фойдаланадилар. Террористик ҳаракатлар дунёнинг барча мамлакатларида қораланади.

Терроризм зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, қўпоровчилик каби ҳаракатларга асосланган. Ҳозирги кунда дунёнинг 60 та давлатида 500 дан ортиқ террористик ташкилотлар мавжуддир. Айрим ривожланган мамлакатларнинг ҳудудида ҳам террористик кучларнинг марказлари бор.

Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида ҳам худди шундай марказлар Шимолий Кавказ ва Тожикистонда фаолият кўрсатиб келмоқда.



Ўзбекистонга яқин бўлган Эроннинг Ҳамадон, Қум, Қазвин каби шаҳарларида “Ҳамас” гуруҳлари, Афғонистоннинг Қундуз, Таҳор ва Бадахшон вилоятларида, Покистоннинг Пешовор шаҳарлари яқинида ваҳобийларга қарашли лагерлар жойлашган.

Қундуз вилоятидаги Ишхими лагерида, Улусвали туманидаги “Саҳи” лагерида 500 га яқин ўзбек миллатига мансуб жангарилар ҳарбий ва қўпоровчилик борасида тайёргарликдан ўтганлар.

Яқин-яқинларгача террористик ҳаракатлар ва келишмовчиликлар давлатнинг ички зиддиятларидан келиб чиқади деб тушуниб келардик. Энди ўйлаб қарасак, вазиятларнинг кескинлашиб кетишида ташқи омилларнинг ҳам аҳамияти катта экан. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) Ўзбекистонга яқин бўлган мамлакатларда, яқин ва узоқ хорижда террорчилик ҳаракатларининг кўпайиши;

б) қўшни давлатлардаги беқарорлик, низоларнинг кучайиши;

в) қўшни давлатлар билан транспорт йўналишидаги чегараларнинг очиқлиги ва кириш-чиқишларни назорат қилишнинг заифлиги;

г) қўшни давлатлардаги қурол-аслаҳа, наркотик моддалар сотиш бозорларининг мавжудлиги.

Ҳар бир мамлакатда можароларнинг кучайиши ва вазиятнинг янада хавфли тус олишида ички омилларни ҳам эсдан чиқармаслик керак, буларга эса қуйидагиларни киритса бўлади:

а) аҳолининг ва айрим раҳбарларнинг сиёсий ҳушёрликни йўқотиши, бефарқлик;

б) жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ҳали етарли даражада эмаслиги;

в) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида маълум даражада шаклланган боқибеғамлик;

г) мафкуравий, маънавий-маърифий ишларда фаоллик ва самарадорликнинг етарли эмаслиги;

д) ёмон ниятли гуруҳлар сафининг ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардан норози, онги захарланган, ҳали

маънавий томондан шаклланмаган шахслар томонидан тўлдирилиши.

Ўзбекистон пойтахтида 1999 йил февраль ойида бўлиб ўтган жиноятни террористик ҳаракат деб баҳолаш мумкин. Чунки бу жиноятни содир этган кишиларнинг мақсади фақат Ўзбекистонда эмас, балки бутун Марказий Осиёда вазиятни беқарорлаштириш, халқаро муносабатларни чигаллаштиришга қаратилган.

Бўлиб ўтган бу нохуш ҳодиса барчамизни огоҳликка, сергак бўлишга даъват этади.

МИНТАҚАМИЗДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ВА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Хавфсизликни ва мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир ўзбекистонликнинг асосий вазифаси ва фуқаролик бурчидир. Мамлакатимизга ташқаридан келган ёвуз ниятли кучлар фуқароларимиз орасидан ўзларига ёрдамчи излаб топишга ҳаракат қиладилар. Улар авваламбор ёшларни турли йўллар билан ўз томонларига оғдириб олишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ёшлар орасида таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга катта эътибор берилиши керак бўлади.

Барча олий ўқув юртларида ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишни кучайтиришга катта эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Президенти ўзининг кўплаб маърузаларида, газета-журналларнинг мухбирлари билан қилган суҳбатларида ёшларни биродарлик, дўстлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни маънавий жиҳатдан баркамол кишиларга айлантириш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири эканлиги тўғрисида қимматли фикрларни билдириб келмоқда.

Ёшларда илм-фанга, маърифатга қизиқишни кучайтириш орқали уларни ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш лозим.

Президентимиз ўзининг “Баркамол авлод орзуси” номли китобида ёшларни тарбиялашда ҳар доим катта роль ўйнаб келаётган тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг олдига янада каттароқ вазифаларни қўйди.

“Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдирини учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак”¹.

Ўзбекистоннинг келажаги ўсиб келаётган ёшларнинг қўлида бўлиб, улар келажақда мустақилликни янада мустаҳкамлаб, ҳозир бошланган ишларни давом эттирувчилар бўлишади. Ҳозирги ёшларнинг асосий орзуси бунёдкорлик, тинчликни сақлаш, низоларга йўл қўймаслик бўлиши керак.

Ёшларни маънавий камолотга эриштириб борган сари жамиятнинг тараққиёти жадаллашиб бораверади.

Эртанги куннинг пойдеворини қурадиган ёшларни маънавий камолотга эриштиришда мафкуранинг аҳамияти каттадир.

Мустақил Ўзбекистоннинг мафкураси миллий истиқлол мафкураси бўлиб, унинг мазмуни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда янгиликларни яратишга, мустақилликни мустаҳкамлашга, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришга, ижтимоий адолат ўрнатишга, фуқаровий жамият қуришга, тинчликни сақлашга, осойишталик бўлишига ва ҳамжихатликни кучайтиришга хизмат қилади.

Муайян мақсадни ифода этувчи ҳар қандай ғоя кишиларнинг онгига синггандагина у катта ижтимоий кучга айланади. Жамиятимиз мафкураси тинчлик, минтақамиздаги барча халқлар учун қадрли эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиладиган мафкурадир, шунинг учун у инсон маънавий камолотга эришиб борган сари тинчликни мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган шахс бўлиб шаклланиб боради.

¹ И. Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., “Шарқ”, 1999, 77-бет.

Ҳозирги кунда мафкура ишларини такомиллаштириш жуда муҳим бўлиб турибди, у жамиятимизнинг ривожланишини осонлаштиради, фуқароларни умумий мақсад йўлида бирлаштиради.

Ўрта Осиё минтақасини низолардан холи бўлган минтақага айлантиришда, жамият манфаати учун ўзидаги барча билимни, қобилиятни бахшида этишга тайёр турган етук инсонларга, фидойиларга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ўсиб келаётган ёшларнинг қўлида бўлганлиги учун ҳам ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда оммавий-ахборот воситаларининг аҳамияти ортиб бораётганлиги учун ҳам, унинг фаолиятини кучайтириш орқали ёшларнинг онгини тўғри шакллантиришга, дунёқарашини янада кучайтиришга катта эътибор берилаяпти.

АДАБИЁТЛАР

- И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолотлари. Т., "Ўзбекистон", 1997 йил.
- И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., "Ўзбекистон", 1998 йил.
- И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., "Ўзбекистон", 1999 йил.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Тинчлик, барқарорлик ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни	4
Минтақавий можаролар, ички ва ташқи сабаблари, уларни ҳал этиш йўллари	7
Минтақамизда тинчликни сақлаб қолишда ёшлар тарбиясининг ва ахборот воситаларининг аҳамияти ..	19

Ўткир Юсулов

ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон", 1999,
700129, Ташкент, Навои, 30

Бадий муҳаррир *Ж. Гурова*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Мусахҳиҳ *М. Йўлдошева*
Компьютерда тайёрловчи *Е. Гильмутдинова*

Теришга берилди 25.07.99. Босишга руҳсат этилди 12.08.99.
Қоғоз формати 84x108^{1/32}. Шартли босма тобоқ 1,26.
Нашр тобоқ 1,0. Тиражи 2000. Буюртма № 43/7
Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 93-99.

Масъулияти чекланган "ARNAPRINT" жамияти
босмаҳонасида босилди.
702300, Тошкент, Х. Байқаро кўчаси, 51.

